# ЕТИШТИРИЛГАН ҲОСИЛНИ ТЎЛА ЙИҒИШТИРИБ ОЛАЙЛИК ВА АСРАЙЛИК

## Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлисидан

**Қордаги олмалар... Машҳур қўшиқда бу чиройли эшитилади. Аммо ҳақиқатда ҳам олмалар қор тагида қолса-чи? Олмагина эмас, картошка, помидор ва пиёз қор тагида қолиб кетса-чи? Ахир биз қиш бўсағасида турибмиз. Минглаб тонна етилган мевалар териб олишга мунтазир.**

Ҳолбуки, бу йил сахийроқ келишини эрта баҳорданоқ тасаввур қилиш мумкин эди. Жумҳурият экин майдонлари структурасида ҳам бу ҳақдаги ғамхўрликни пайқаш мумкин эди: боғлар ва токзорлар, полизлар, картошка майдонлари 27 минг гектар кенгайиб, шу вақтгача ҳокимлик қилиб келган ғўзани анча қисиб қўйди. Бир йиллик ўсиш—ўн икки фоиз! Жумҳуриятда илгари озиқ-овқат экинлари майдони ҳеч қачон бундай кенгайтирилмаган эди. Вазирлар Кенгаши Раёсати картошка, мева, сабзавот етиштириш 1,1 миллион тонна кўпайиши кутилаётганлигини таъкидлади. Шундай қилиб, ички бозорга ҳам; умумиттифоқ бозорига ҳам маҳсулот етказиб беришни анча кўпайтириш учун чинакам имконият вужудга келди. Бу эса истеъмолчилар учун фаровонлик, хўжаликлар учун қўшимча даромад демакдир, ўз-ўзидан равшанки, маҳсулот мўл бўлса, нархлар ҳам арзонлашади.

Лекин яхши иш ва бу ишга сарфланган меҳнат кутилган натижани бериши учун хўжалик йили якунланаётган пайтда ҳам аниқ пухта иш олиб бориш керак. Ҳолбуки, сабзавот, картошка, мева конвейерининг якунловчи боқсичида ташвишли узилишлар бўлмоқда. Октябрь ойининг бошларигача Қорақалпоғистон АССР жамоа ва давлат хўжаликларида картошканинг атиги 27 фоизи, Самарқанд вилоятида—40,7, Жиззах вилоятида — 44,2, Наманган вилоятида — 56 фоизи йиғиштириб олинди. Ҳосилни йиғиб-териб олишнинг чўзилиб кетиши маҳсулотнинг нобуд бўлишига олиб боради. Мухтор жумҳурият картошка етиштирувчилари ишининг пировард натижаси жуда кам — гектаридан 22 центнердан ҳосил олинди, яъни уруғлик зўрға ундириб олинди... Сирдарё вилояти хўжаликларида ҳосил бундан сал кўпроқ — гектаридан 40 центнерга, Қашқадарё вилоятида — 48, Сурхондарё вилоятида — 53, Бухоро вилоятида 60 центнерга тўғри келмоқда.

Гап картошка ҳосили йиғиштириб олинган майдонлар тўғрисида бормоқда. Ёғингарчилик ва совуқ тушгунга қадар деҳқон қўли тегмайдиган пайкаллардан нимани кутиш мумкин?

Сабзавотни йиғиштириб олишда ҳам шундай вазият юз бермоқда: Хоразм вилояти хўжаликларида далаларнинг тўртдан бир қисмидаги, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро вилоятлари жамоа ва давлат хўжаликларида сабзавот экилган ерларнинг тахминан ярмидаги ҳосил йиғиштириб олинди, холос.

Қорақалпоғистон хўжаликларида давлатга картошка сотиш режаси 30 фоиз, Тошкент вилоятида — 45 фоиз бажарилди. Сурхондарё хўжаликлари буюртма берилган тар мева ва резавор меванинг учдан бир қисминигина давлатга сотдилар, Самарқанд жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари узум етказиб беришни барбод қилмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси жумҳурият шаҳарларига маҳсулот етказиб бериш ва таъминлашга таъсир қилмоқда. Тошкент шаҳар деҳқончилик-саноат бирлашмаси мева ва сабзавот тайёрлашда унча юқори бўлмаган жумҳуриятдаги ўртача даражадан ҳам орқада қолмоқда. Бу ерда айниқса қишга маҳсулот ғамлаб қўйиш яхши эмас.

Тошкент вилояти саноат марказларини, бошқа минтақаларни таъминлаш иши ҳам яхши эмас.

Савдо вазирлиги режадаги 64,5 минг тонна ўрнига атиги икки минг тонна картошка, 4,1 минг тонна ўрнига тўққиз юз тонна қовун ва тарвуз, режалаштирилганига нисбатан 1,5 баравар кам мева ғамлади. Ўзбекбирлашув, «Ўзбекистон» жумҳурият давлат-кооператив ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бу ишни сусткашлик билан олиб бормоқда.

Гап фақат харид қилишдаги кечикишда эмас. Бир қанча ҳолларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлайдиган жойнинг ўзи йўқ. Масалан, Сирдарё ва Наманган вилоятларида омборларни мавсумга тайёрлашни чўзиб юборишди. Тайёр ҳисобланган омборларда эса жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Бунинг устига омборларнинг тозалик ҳолати ташвиш туғдирмоқда. Тошкент шаҳар деҳқончилик-саноат бирлашмасининг Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли давлат хўжалигидаги 300 тонна сиғимли картошка омбори чиқитлардан тозаланмаган. Шунга қарамай бу ерга оддий картошка эмас, балки уруғлик картошка келтирилмоқда. Ахир келгуси йил ҳосили шу уруғликнинг сифатига боғлиқ-ку!

Жумҳурият ҳукумати эҳтимол тутилган тақчилликнинг олдини олиб, сабзавот, мева, картошканинг кечки навларини бошқа минтақалардан ва ҳатто чет элдан сотиб олмоқда. Ҳозирги иқтисодий шароитда ана шу мақсад учун маблағ топиш осон бўлди, деб ўйлайсизми? Четдан келтирилган барча маҳсулотларни алоҳида жонкуярлик билан қабул қилиб олиш керак. Лекин вагонлар юки туширилмай тўхтаб қоляпти, ана шу қимматбаҳо юкларнинг маълум қисми яна чиқитга чиқариб юборилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, муҳокама чоғида бу муаммоларни ҳал этишга бир қанча янги ёндашувлар топилди. Чунончи, Туркистон ҳарбий округининг вакиллари одамлар билан ҳам, техника билан ҳам ёрдам беришни таклиф қилдилар. Ўрта Осиё темир йўли ҳосилни сақлаш учун бўш турган рефрижератор секцияларини беришга тайёр.

Тайёрлаш ва савдо ташкилотларимиз фойдали маслаҳатлардан, аниқ ёрдамдан фойдаланишга тайёрмилар? Кўпгина ходимлар ҳамон эски тасаввурлар оғушида: режалар бажарилгани ҳақида рапорт берилса бас, етиштирилган, харид қилинган, омборларга олиб борилган маҳсулотларнинг тақдири уларни ташвишга солмайди.

Вазирлар Кенгашининг Раёсати мева ва сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва сақлаш учун масъул бўлган ходимларга қатъий баҳо берди. Тошкент вилоят ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ О. Г. Айдаков агар ишларнинг аҳволини тубдан яхшилашни таъминламаса, унга нисбатан қаттиқроқ чора кўрилиши ҳақида огоҳлантирилди. Ишдаги жиддий камчиликлар учун Тошкент шаҳар деҳқончилик-саноат бирлашмаси раиси ўртоқ С. Т. Тошқулов огоҳлантирилди.

Мева-сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олишни тезроқ тугаллаш, уни сотиш ва сақлаш учун жойлаш билан боғлиқ масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш учун Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигида жумҳурият штаби тузилди. Бу ишда амалий ёрдам бериши учун Вазирлар Кенгаши Раёсати аъзолари жумҳурият вилоятларига бирктиб қўйилди.

Мажлисда келгусида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида йиғим-теримни пухта тугаллаш ва мева-сабзавот маҳсулотларини етарли миқдорда ғамлаб қўйиш алоҳида аҳамиятга моликлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Раёсат ўзининг жумҳурият бозорини ҳимоя қилиш билан боғлиқ олдинги қарорларига яна бир бор қайтди. Баҳорда халқ истеъмоли молларининг айрим турларини Ўзбекистон ССР ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш чеклаб қўйилганлиги ҳамда жумҳурият аҳолисига озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёвий молларни сотишни барқарор қилишга доир вақтинчалик чоралар товар запасларини сақлаб қолишга ва савдода тартибсизликнинг олдини олишга анча ёрдам берди.

Ҳолбуки, ҳамма жойда ҳам белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилинмаяпти. Савдо ходимларининг четдан келган чайқовчилар билан тил бириктириш ҳоллари кўплаб аниқланмоқда, чайқовчилар айрим молларнинг тақчиллигидан бойлик орттириш учун фойдаланмоқдалар. Гўшт, мева ва саноат молларини рухсатсиз жумҳуриятдан ташқарига олиб кетаётган юк машиналари ушланаяпти. Масалан, Бухоро район матлубот уюшмаси балиқ консервалари солинган 900 та қутини Қирғизистонга олиб кетиш учун «рухсат» берган, Тошкентдаги «Электроприбор» заводидан Қозоғистонга олиб кетиш учун тўққиз минг сўмлик чироқлар олинган. Тошкент пойабзал савдоси идорасига қарашли 27-магазинда молларни яширадиган жой борлиги аниқланди. Магазин мудири бу ерга 27 минг сўмлик хориждан келтирилган пойабзални яширган. Андижон матлубот жамияти дўконларида бир кишига ўнлаб ва юзлаб килограмм ун, гуруч ва ёғ сотилмоқда.

Вазирлар Кенгашининг Раёсати вилоят, шаҳар, район Советларининг ижроия комитетлари бундай суиистеъмолларга қарши курашда бир қанча ҳолларда мустаҳкам позицияда турмаганликларини таъкидлади. Аслида Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув раҳбарлари ҳам бундай суиистеъмолларга тоқат қилиб келмоқдалар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига савдони барбод қилишнинг, моллар тақчиллигидан бойлик орттириш учун фойдаланишнинг ҳар қандай шаклларига қарши курашни кучайтириш топширилди.

Жумҳурият аҳолисини ҳимоя қилиш ва истеъмол бозорини муҳофаза қилиш мақсадида қонунчилик ташаббуси тарзида «Савдо қоидаларини, молларни сотиб олиш, жумҳурият ташқарисига олиб чиқиб кетиш ёки жўнатиш тартибини бузганлик учун моддий жавобгарлик тўғрисида» давлат ҳужжатини тайёрлаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Унда кўзда тутиладиган чоралардан бири 300-1000 сўм миқдорида жарима солиш, қоидалар такроран бузилган тақдирда бундан ҳам қаттиқ чоралар кўришдир. Бу қонун лойиҳасининг йил охиригача Олий Совет сессияси кўриб чиқиши учун таклиф қилиниши кўзда тутилмоқда.

(ЎзТАГ шарҳловчиси).

---

*Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комиссияларида*

# АРМИЯДА ХИЗМАТ ҚИЛИШГА ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. 1990 йил кузги чақириққа тайёргарлик, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг «Жумҳурият ёшларини армияга чақириш ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони ва ушбу Фармонга мувофиқ жумҳурият Вазирлар Кенгаши қабул қилган қарорни бажариш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳарбий прокуратура ва ҳарбий комиссариат билан ўзаро муносабатлари муаммолари ҳам муҳокама қилинди.**

Мажлисда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг масъул ходимлари, жумҳурият Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳарбий прокуратура, ҳарбий комиссариатлар вакиллари, Тошкент шаҳар, район ижроия комитетларининг раислари қатнашдилар.

Мажлисни Олий Кенгашнинг мудофаа масалалари ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш комиссиясининг раиси В. Р. Ниёзматов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссари генерал-майор В. Н. Маҳмудов, жумҳурият соғлиқни сақлаш вазири С. М. Баҳромов ахборот бердилар.

Мажлисда кузги чақириққа тайёргарлик ишлари мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда олиб борилаётганлиги таъкидланди. Ҳозирги пайтда армия ҳаётида ва турмушида йўл қўйилаётган салбий ҳодисалар жангчиларда норозилик туғдираётган бўлса, уларнинг ота-оналари ва жумҳуриятнинг бутун жамоатчилигида ҳақли ғазаб уйғотмоқда. Армияда ҳанузгача интизом ва тартибни қўпол равишда бузиш, уставга зид муносабатлар, ҳарбий хизматчиларнинг ҳалок бўлиши каби ҳодисалар мавжуд.

Ҳозирги вақтда жумҳурият ҳарбий комиссариатлари Ўзбекистон ССР Президенти Фармонини бажариш юзасидан етарли даражада иш олиб бормаётирлар. Маълумки, бу ҳужжат ёшларни Қуролли Кучлар сафларига чақиришни ташкил этишни, йигитларнинг хизматни ўташини, уларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилашга қаратилган. Шу йилнинг кузидан бошлаб жумҳурият йигитларини Ўзбекистондан ташқарида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмларига юбориш тўхтатилади. Тинч даврда ҳарбий хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлганларнинг укаларини ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тақиқланади. Мажлисда ҳарбий комиссариатлар фаолиятига доир муаммолар тўғрисида гапирилди. Ҳарбий комиссариатлар ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини пенсия билан таъминлаш тадбирларини ҳали ҳам жуда суст амалга оширмоқдалар.

Вилоят чақириқ комиссиялари малакали тиббий ходимлар билан етарли тўлдирилмаган, замонавий асбоблар билан жиҳозланмаган, зарур дори-дармонлар етишмайди, чақириқ комиссияларида ишлаётган врачлар учун тегишли ижтимоий шароит яратилмаган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари армияда хизмат қилишдан бош бортаётган шахсларни жавобгарликка тортишда ҳарбий комиссариатларга зарур ёрдам бермаётирлар. Ҳарбий комиссариатларнинг халқ депутатлари район, шаҳар, вилоят Советлари билан алоқалари етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Ҳарбий комиссариатларнинг жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди.

Мажлисда ҳарбий комиссариатларни ўзбек тилини биладиган ходимлар билан мустаҳкамлашнинг, жумҳуриятимиздан чақирилган йигитлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар билан оталиқ ишларини янада кучайтиришнинг аҳамияти таъкидланди.

Яқин вақт ичида жумҳурият районларининг мамлакат округлари ҳарбий қисмлари билан бевосита алоқа ўрнатиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Партия, совет, комсомол ходимларининг, жамоатчилик вакилларининг, ота-оналарнинг, атоқли кишиларнинг, уруш ва меҳнат ветеранларининг, маданият ва санъат арбобларининг, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг ҳарбий бўлинмаларига сафарларини мунтазам уюштириш керак, дейилди мажлисда. Бу бўлинмаларга жумҳурият ҳаётини акс эттирадиган китобларни, даврий нашрларни, кинофильмларни юбориш лозим.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти Фармони қабул қилинган пайтдан буён бир ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам чақириқ ёшидаги йигитларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ишларини ташкил этиш учун жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари ҳамда вилоят ижроия комитетлари соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари лавозимларига ҳанузгача ҳеч ким тайинланмаганлиги ҳақида ташвишланиб гапирилди.

Жумҳурият йигитларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташларини такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа кўпгина муаммолар ҳам ўртага қўйилди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари — штаб бошлиғи генерал-лейтенант Ю. Д. Букреев сўзга чиқдилар.

Мажлис ишида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ёшлар ишлари комитетининг раиси А. А. Аъзамхўжаев, республика Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот комитетининг раиси Э. Ҳ. Халилов, Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари генерал-майор И. С. Фурманов ҳамда генерал-майор В. А. Калашников қатнашдилар.

[ЎзТАГ].

---



**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. 30 минг зарар ўрнини 50 минг сўм фойда эгаллади.. Ғузор ноҳиясидаги Куйбишев номли жамоа хўжалиги ижарачаси Самад Рустамовнинг уч йиллик фаолияти ана шундай натижа берди. Ўтган қисқа даврда паррандачилик фермасида қатор хайрли ўзгаришлар рўй берди. Учта янги бино қуриб битказилди. Жониворлар сони уч баробарга ортди.**

**Ўтган йили 15 тоннадан зиёд парҳез гўшт, 330 минг дона тухум ва 120 мингта жўжа олинди. Бугун ферма вилоятда кўзга кўринган хўжаликлардандир.**

**СУРАТДА: ижарачи Самад Рустамов оила аъзоси Тамара Рустамова билан.**

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

---

*Ташвишли хабар*

# ЭСКИ ДАРД

Бу воқеаларнинг бир кунда рўй бериши тасодиф, албатта. Ўша куни, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Вазирлар Кенгашида пахта терими даврида ёнғинга қарши хавфсизлик чораларини кучайтириш тўғрисидаги масала муҳокама этилаётганида, Кегайли районининг «Комсомол» тайёрлов пунктида пахтага ўт тушди. Ёнғин тайёрлаб қўйилган битта хирмонга ва эндигина уйилаётган иккита хирмонга тушган эди. Куйбишев номли совхоздан қизиб турган хом ашё келтирилганлиги бунга сабаб бўлди. Кўрилган зарар ҳисоблаб чиқилмоқда.

1988 йилда худди ана шу тайёрлов пунктида учта пахта хирмони худди шундай сабабга кўра ёниб кетган эди. Бундан теримга тайёргарлик чоғида ёнғинларнинг олдини олиш чоралари кўрилмаган, деган хулоса чиқариш мумкин.

— Албатта, ҳеч ким тасодифлардан қутулиб қололмайди, — дейди мухтор жумҳурият ички ишлар вазирлиги ёнғиндан сақлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари В. И. Живницкий. — Лекин худди ўша қабул пунктлари ва пахта заводларида ёнғин рўй бераётганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Ўтган йили 20 мартадан кўпроқ ёнғин чиққан эди. Бу йил, гарчи мавсум эндигина бошланган бўлсада, тўртинчи марта пахтага ўт тушди. Бундан бир неча кун илгари Амударё районидаги Тельман номли колхоз хирмонида икки центнердан кўпроқ хом ашё, 20 сентябрда эса Чимбой пахта заводининг К. Маркс номли тайёрлов пунктида пахта ёниб кетган эди.

Биринчи ҳодисада тракторнинг газ чиқадиган қувурида пайдо бўлган учқун ёнғинга сабаб бўлган эди. Тракторнинг учқун ўчирувчи қурилмасини беркитиб қўйишни унутган эканлар. Иккинчи ҳодисанинг юз беришига эса пахта ғарамлайдиган қурилмани электр қуввати билан таъминлайдиган симнинг узилиб кетиши сабаб бўлди.

В. Н. Живницкийнинг фикрича, Халқобод, Қўнғирот, Беруний, Манғит пахта заводлари ва тайёрлов пунктларидаги аҳвол ташвишлидир. Бу ерда аввал бўлганидек, электронасослар етишмайди, ҳосилни қабул қилиб олиш ва уни ажратишда ёрдамчи машиналардан фойдаланиш қоидалари тез-тез бузилиб туради.

Ҳукумат «ёнғинга қарши курашни кучайтириш тадбирлари»нинг навбатдаги туркумини қабул қилди. Бу тадбирлар қай даражада самарали бўлишини вақт кўрсатади. Лекин энг муҳими шундаки, ҳосил қабул қилувчиларга «чора-тадбирлар» билан эмас, балки ҳали ҳам камёб бўлиб қолаётган ёнғинга қарши ишлатиладиган жиҳозлар билан тезроқ ёрдам бериш зарур.

**В. ТРОИЦКИЙ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

---

*Долзарб мавзуда мусоҳаба*

# ДЕҲҚОННИНГ ЭРТАНГИ КУНИ

### У ҚАНДАЙ КЕЧАДИ? БУ МУАММО БУГУН ҲАММАНИ ТАШВИШЛАНТИРМОҚДА

**Қайта қуриш мамлакат, жумладан жумҳуриятимиз турмушида демократик силжишларни бошлаб берди. Ижтимоий тараққиёт жараёнлари нақадар зиддиятли бўлмасин, халқ маънавий-сиёсий эркинликни қўлга киритмоқда, одамлар инсоний ва миллий қадриятларини ҳис эта бошладилар, улар жамият ва давлат ишларини ўз қўлларига олмоқдалар. Турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ҳамда ҳаракатларнинг шаклланиш жараёни эса тезлашмоқда. 1990 йилнинг 22 августида Ўзбекистон ССР Деҳқонлар уюшмаси тузилгани, жумҳурият Вазирлар Кенгашининг шу йил 4 октябрдаги 324-сонли қарорига биноан у янги мустақил ижтимоий ташкилот сифатида рўйхатга олингани бунинг далилидир.**

**БУНДАЙ УЮШМАНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИГА САБАБ НИМА!**

**Ана шу саволга Ўзбекистон ССР Деҳқонлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, жумҳурият Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети ҳайъатининг аъзоси Ҳамроқул Холиқович ХОЛИҚОВ шундай деб жавоб берди:**

— Маълумки, деҳқон — она заминда етиштириладиган жамики ноз-неъматларнинг соҳиби, амалиёт донишманди. Лекин бўзчи белбоққа ёлчимас деганларидек, у йиллар мобайнида пахта экиб, косаси оқармади — меҳнатига яраша рағбат кўрмади; сабзавот, полиз экинлари ва картошка парваришлаб, боғу роғлар барпо этди-ю дала ва боғ маҳсулотларини бозордан сотиб олишга мажбур бўлди. Айниқса бугун аҳоли гўшт ва сут, сабзавот ва мева, ўсимлик мойи ва қанд-шакар танқислигини ҳамма жойда сезиб турибди. Мазкур муаммоларни ҳал этишда, яъни кишилар фаровонлигини, юрт маъмурчилигини яхшилашда жумҳурият партия ва ҳукуматининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон ССР Президентининг «Жумҳурият аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги фармони муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бу ҳужжатларда илгари сурилган тиғиз вазифаларни тўла-тўкис бажариш турғунлик йилларидагидек ҳавойи ваъдаларни эмас, балки қатъий амалий саъй-ҳаракатларни талаб этади. Шу боис Тошкентда Ўзбекистон ССР Деҳқонлар уюшмасининг таъсис қурултойини чақириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ана шу йиғинда ушбу номдаги янги мустақил ижтимоий ташкилот тузилиб, унинг устави қабул қилинди. Уставда, жумладан, бундай дейилади: «...у колхозлар, совхозлар, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган ҳамда унинг маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, агрофирмалар, агрокомбинатлар, хўжаликлараро ташкилотлар, фермер хўжаликлари, ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг жамоалари, деҳқон хўжаликлари, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжалик юритаётган фуқаролар, аграрчи-олимлар, кенгашлар, уюшмалар, бирлашмалар ва бошқа хил тузилмаларнинг ихтиёрий асосдаги қўшилувидан ташкил топади».

**— Ҳамроқул Холиқович, янглишмасам, сиз тилга олган хўжаликлар, корхоналар, агрофирмалар, агрокомбинатлар, бирлашмалар ва фуқаролар шу уюшманинг аъзолари ҳисобланадилар. Шундай эмасми!**

— Шундай. Бироқ шуни айтиш жоизки, уюшмага аъзолик жамоа ва якка тартибда бўлади. Унинг таркибига кирган жамоат ташкилотлари мустақилликни сақлаб қоладилар ҳамда ўз уставлари ва низомларига, ушбу уставга риоя қиладилар.

**— Муштарийларимизнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлашади. Шу боис уларни уюшманинг мақсад ва вазифалари қизиқтириши табиий.**

— Уюшма ўз аъзоларининг вакили ҳисобланади. Бинобарин, давлат органлари, хўжалик, жамоат ва кооператив ташкилотларда уларнинг ижтимоий-иқтисодий жамоа ҳамда шахсий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилади, хўжаликларнинг мулки ва хўжалик юритишнинг турли хил шаклларини тенгҳуқуқли асосда ҳамда эркин ривожлантиришга, деҳқон ернинг ва ўз маҳсулотининг соҳиби сифатида қарор топишига кўмаклашади.

Уюшманинг энг муҳим мақсадига келсак, бу ҳақда мухтасар қилиб шундай дейиш мумкин: қишлоқ хўжалигида туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ясайди, тармоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлайди, қишлоқнинг қайта қурилиши ва деҳқонларнинг маънавий шаклланишлари, деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш учун ижтимоий ҳаракатни вужудга келтиради.

Бундан ташқари, у қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, капитал маблағ структурасини муқобиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларининг иқтисодий асосланган нархлари ҳамда стандартларини қарор топтириш, солиқ ва молия-кредит системасини такомиллаштиришни назарда тутади, деҳқончилик-саноат мажмуининг бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишига, бунинг учун мавжуд потенциалдан самарали фойдаланишга эришади. Бу ҳол ўз навбатида жумҳурият аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга ёрдам беради.

**— Ана шу кенг кўламдаги мураккаб вазифаларни рўёбга чиқариш учун қандай тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда!**

— Аввало, уюшмамиз мулкчилик ва ерда хўжалик юритишнинг турли хил шаклларини ривожлантириш мақсадида тенг даражадаги иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратади. Иккинчидан, деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик кооперативлари ташкил этиш ниятида фойдаланилмай ётган ёки оқилона фойдаланилмаётган ерларни ўзлаштиради, мақсадга мувофиқ жойларда ёрдамчи хўжаликларнинг деҳқон хўжаликларига ўсиб чиқишини таъминлайди. Шу билан биргаликда уюшма жамоа ва давлат хўжаликларининг ишлаб чиқаришга техникавий хизмат кўрсатишда, уруғчилик, маҳсулдор ва зотли чорва моллари таъминотида, маҳсулотни сотиш, мутахассислар ёрдамини уюштиришда деҳқон хўжаликлари, ёрдамчи хўжалик юритаётган фуқаролар, ижарачилар ва кооперативлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйилишига ёрдамлашади. Бунда биз албатта давлат ва жамоат ташкилотлари, бошқа уюшмалар ҳамда кўнгилли жамиятлар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз.

**— Уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари хусусида ҳам икки оғиз сўзлаб берсангиз!**

— Улар уюшма ишини бошқаришда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилишда қатнашиш, уюшманинг раҳбарлик ва бошқа органларига сайлаш ҳамда сайланиш, ташкилот фаолиятини яхшилаш, унинг ишидаги камчиликларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар киритиш, ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун уюшма органларига мурожаат этиш, фавқулодда ҳолатларда белгиланган тартибда моддий мадад олиш, уюшмадан ихтиёрий равишда чиқиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Уюшма аъзоларига қуйидагилар мажбурийдир: уставга риоя қилиш, аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб туриш, уюшма қарорларини бажариш. Уставга риоя қилинмаганлиги учун уюшма аъзоларига жамоат таъсири кўрсатиш чораси қўлланилади, охирги чора унинг таркибидан чиқариш ҳисобланади.

**— Аъзолик бадалининг миқдори қанча!**

— Уюшмамизга аъзо бўлишни хоҳловчи фуқаролар дастлаб ариза бериш пайтида бир сўм тўлайдилар. Йиллик бадал эса — 5 сўм. Аъзолик бадалларининг 50 фоизи маҳаллий уюшма ихтиёрида қолади.

**— Демак, жойларда уюшманинг бошланғич ташкилотлари ҳам тузиладими!**

— Саволингиз ўринли. Уюшманинг ташкилий асоси бошланғич ташкилотлардир. Улар меҳнат жамоаларида, шунингдек, ҳудудлар бўйича ташкил этилади. Бошланғич ташкилотлар ихтиёрий равишда район, вилоят ва тармоқ деҳқонлар уюшмаларига бирлашишлари мумкин.

**— Ҳамроқул Холиқович, Ўзбекистон ССР Деҳқонлар уюшмаси тузилганига қарийб икки ойча бўляпти. Шу вақт ичида қандай амалий ишлар қилинди!**

— Тўғриси, ҳозир асосан ташкилий юмушлар билан бандмиз. Ўтган даврда уюшма ҳайъатининг иккита мажлиси бўлиб ўтди. Биринчисида 1990—1991 йилларга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. Истиқболда ташкилий масалаларни узил-кесил ҳал этиш, жумҳурият хўжаликлари, корхоналари ва муассасалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга зиммаларидаги вазифаларни бажаришда яқиндан ёрдам бериш, жамоа ва давлат хўжаликлари аъзолари ҳамда ишчилари, деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари учун мақбул маданий-маиший шароит яратиш, уларнинг даволанишлари ва дам олишлари учун касалхоналар, санаторийлар хизматини яхшилаш, болалар боғчаларига оталиқ қилиш каби муҳим масалаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Бундан ташқари, 1991 йилнинг май ойида Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти колхозчилари ва совхоз ишчилари хонадонларини ичимли сув ҳамда табиий газ билан таъминлаш ишининг аҳволи ҳақида «Аралводстрой» ҳудудий бошқармасининг ахборотини тинглашга қарор қилинди. Иккинчи мажлисда эса «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети ўрнига жумҳурият Қишлоқ хўжалиги вазирлигини тузиш тўғрисида»ги масала кўрилиб, бир овоздан маъқулланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликлар, тармоққа дахлдор бошқа ташкилотлар маъмурий-бошқарув ходимларининг меҳнат ресурсларига, қишлоқ хўжалиги техника воситаларининг ишчи кучига белгиланган солиқни бекор қилиш ҳақидаги таклифлари жумҳурият ҳукуматига ҳавола этилди. Шунингдек, 1991 йилнинг 1 январидан кучга кирувчи ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот харажатларини такомиллаштириш юзасидан иттифоқ миқёсида қабул қилинган қарор хўжаликларни молиявий жиҳатдан заифлаштириши ҳайъат мажлисида алоҳида таъкидланди. Бу қарорни иттифоқ миқёсида қайта кўриб чиқиш тўғрисида жумҳурият ҳукумати ва тегишли идораларга таклиф киритилди.

Деҳқонлар уюшмаси фаолиятига боғлиқ барча ташкилий масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам бериш мақсадида ҳайъат мажлисининг қарорига биноан бир гуруҳ мутахассислар вилоятларга жўнаб кетдилар. Шу кеча-кундузда улар жойларда қизғин иш юритишаяпти.

Суҳбатдош:
Икром ЎТБОСАРОВ.

